

## Ўзбекистон Республикаси номидан Ҳ У К М

2025 йил октябрь ойининг 14 куни жиноят ишлари бўйича Гурлан туман суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи судья Ж.Ахмедов, судья ёрдамчиси М.Мадаминованинг котибалигида, давлат айбловчиси Гурлан туман прокурори катта ёрдамчиси Ш.Рахимова, судланувчи Ю.Тожибаев ва унинг ҳимоячиси, адвокат О.Оллабергановларнинг иштирокида, Тожибоев Юнусхўжа Фозилхўжа ўғлини айблаш ҳақидаги 1-2206-2501/143-сонли жиноят иши кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Тожибаев Юнусхўжа Фозилхўжа ўғли (Tojibayev Yunusxo'ja Fozilxo'ja o'g'li), 1997 йил 01 апрель куни Хоразм вилоятининг Хонқа туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, оилали, 2 нафар фарзанди бор, ишсиз, муқаддам судланмаган, Хонқа тумани, “Бунёдкор” маҳалласи, П.Махмуд кўчаси, 44-уйда яшайди, 2025 йил 06 сентябрь куни эҳтиёт чораси сифатида “таров” қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2025 йил 17 сентябрда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 278<sup>8</sup>-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбланган.

Суд иш бўйича тўпланган далилларни текшириб, атрофлича муҳокама қилиб, судланувчи кўрсатувини эшитиб, прокурор ва ҳимоячининг фикрларини тинглаб қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Тожибаев Юнусхўжа Фозилхўжа ўғли 2025 йил 27 июль куни вилоят ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир давомида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 3926-сонли “Ўзбекистон Республикасида крипто-биржалар фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида кўрсатилган тартибда лицензия олмасдан ўзининг телефон аппаратлари орқали ноқонуний равишда крипто активлар савдоси билан шуғулланишга мўлжалланган “Binans” ва “BitGet” иловаларидан ҳамда jjentelmen99@gmail.com электрон почтаси орқали ноқонуний равишда “P2P” амалиётларини бажариб, 25.106 USDT крипто активларини, ўзбек сўмига нисбатан “coinbase” сайтидан ҳисоблаганда 316.993.256 сўм қийматида яъни жуда кўп миқдордаги крипто активлар айланмаларини ноқонуний равишда амалга оширганлиги аниқланиб, ҳолислар иштирокида ашёвий далиллар билан расмийлаштириб олинган.

Судда судланувчи тариқасида сўроқ қилинган Тожибаев Юнусхўжа Фозилхўжа ўғли айбига иқрорлик билдириб, 2025 йил 27 июнь куни уни маҳалла идорасига чақиртиришганини, у ерда вилоят ИИБ ходимлари унга



крипто-активлар айланмаси билан ноқонуний шуғулланиб келаётганлиги бўйича маълумотлари олинганини, шу сабабли телефон аппаратларини текшириб кўришмоқчи эканларини айтишганлигини, улар ўзи ва оила аъзоларига тегишли бўлган телефон аппаратларини текшириб кўриш учун олишганлигини, улар унга ва турмуш ўртоғига тегишли телефон аппаратида ноқонуний крипто-активлари айланмаси амалга оширилганлигини аниқлашганлигини, иккита телефон аппаратидан ҳам ўзи фойдаланиб, тегишли лицензия олмасдан крипто-активлари айланмаси билан шуғулланиб келаётганлигини уларга айтганлигини, ҳақиқатан ўзи томонидан 2025 йил январь ойидан 2025 йил 27 июнь кунига қадар “Binans” ва “BitGet” иловаларидан ҳамда jjentelmen99@gmail.com электрон почтаси орқали ноқонуний равишда P2P амалиётларини бажариб, 25,106 USDT крипто активлари айланмасини амалга оширганлиги аниқланганлигини, шу билан бирга у “Binans” ва “BitGet” иловасида бўлган USDT активларини номаълум шахсга бир неча маротаба ўтказиб юборганлигини, сўнг ушбу номаълум шахс билан бир неча маротаба USDT активлари билан олди берди қилганлигини, қилмишидан пушаймонлигини, айбга иқrorлик тўғрисидаги келишувни тасдиқлашни сўраб, кўрсатув берди.

Судланувчи Ю.Тожибаевнинг жиноий қилмиши унинг айбига тўлиқ иқror бўлиб берган кўрсатуvidан ташқари, ишдаги мавжуд билдиргилар, далилий ашёни олиш ва кўздан кечириш баённомаси, уяли алоқа воситасини кўздан кечириш баённомаси ва унга илова фотосуратлар, Ўзбекистон Республикаси истикболли лойиҳалар миллий Агентлигининг ёзишма-маълумоти ва бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан ўз тасдиғини топди.

Судланувчи Ю.Тожибаевнинг крипто активлари айланмаси соҳасидаги қонунчиликни жуда кўп миқдорда бузишда ифодаланган жиноий қилмиши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 278<sup>8</sup>-моддаси 3-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Судланувчи Ю.Тожибаев 2025 йил 06 сентябрда прокурорга ёзма илтимоснома билан мурожаат қилиб, унда ўз ҳаракатларининг моҳиятини, ўзи берган илтимосноманинг оқибатини англаб етганлигини, илтимосномани химоячи билан ўзаро маслаҳатлашиб, ихтиёрий равишда бераётганлигини, тергов органи томонидан қўйилган айбловни, иш бўйича мавжуд бўлган далилларни инкор этмаслигини, айбга иқrorлик тўғрисидаги келишув тузиш юзасидан илтимоснома тақдим этган.

Хонқа туман прокурори томонидан 2025 йил 06 сентябрь куни айбга иқrorлик тўғрисидаги келишувни тузишда айбланувчининг процессуал ҳуқуқлари тергов органи томонидан таъминланиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 586<sup>1</sup>-моддасида кўрсатилган талаблар бажарилганлиги инобатга олиниб, айбга иқrorлик тўғрисидаги келишув тузиш ҳақидаги илтимоснома қаноатлантирилган.

Суд иш бўйича иш ҳужжатлари ва тўпланган далилларни муҳокама қилиб, судланувчи, прокурор ва адвокатнинг айбига иқrorлик тўғрисидаги



келишувни тасдиқлаш ҳақидаги фикрини тинглаб, айбига иқрорлик тўғрисидаги келишув тузишда судланувчи Ю.Тожибаевнинг процессуал ҳуқуқлари таъминланиб, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 586<sup>1</sup>-моддасида кўрсатилган талаблар бажарилганлигини, судланувчи ўз ҳаракати моҳияти ва оқибатини англаб етиб, келишувни ихтиёрий равишда тузганликлари ва уни қўллаб-қувватлашларини инобатга олиб, келишувни тасдиқлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида “Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак”лиги кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши, 8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши лозимлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг:

1-бандида судлар жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилиниши лозимлиги;

3-бандида Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги;

37-бандида ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги, бунда, қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозимлиги, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам,



уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкин (масалан моддий зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, судланувчи ёки ота-онасининг оғир касаллиги, уларнинг меҳнатга лаёқатсизлиги, айбдор ота-онасининг ёки боласининг бошқа боқувчиси йўқлиги, судланувчининг кекса ёшда эканлиги, унинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятни очишда фаол иштирок этганлиги, жабрланувчининг жиноят содир этилишига туртки берган ҳуқуққа хилоф ҳулқ-атвори, жабрланувчининг судланувчи билан ярашганлиги ва ҳ.к.) лиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Судланувчи Ю.Тожибаевга нисбатан жазо тайинлашда, унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, оилали эканлигини, моддий аҳволи ва имкониятини, муқаддам судланмаганлигини, оиласининг ягона боқувчиси эканлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблашни, шунингдек жиноят содир қилгандан кейинги ижобий ҳулқ-атворини, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, судланувчининг шахси, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва ишдаги бошқа ҳолатларни эътиборга олишни, қайд қилинганларни жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий равишда камайтирувчи ҳолатлар деб топиб, ЖКнинг 57<sup>2</sup>-моддаси талабидан келиб чиқиб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ЖКнинг махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилмаган озодликни чеклаш жазоси тайинлашни;

Ю.Тожибоевга нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилишни ва Хоразм вилояти ИИБнинг “Ипотека банк” АТИБдаги депозит рақамига топширилган 9.000.000 сўм миқдоридаги пул маблағларини гаровга қўювчи Тожибаев Юнусхўжага қайтаришни;

жиноят иши бўйича ашёвий далил тариқасида Ю.Тожибоевдан олинган бир дона “Redmi 13 C” ва “Galaxi A345G” русумли телефон аппаратларини ҳукм қонуний кучга киргач тегишли тартибда йўқ қилишни белгилашни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, суд Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465-468, 471-473-моддалари талаблари асосида

### **Ҳ У К М Қ И Л А Д И:**

Судланувчи Тожибаев Юнусхўжа Фозилхўжа ўғли билан тузилган айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув тасдиқлансин.

Судланувчи Тожибаев Юнусхўжа Фозилхўжа ўғли (Тожибаев Юнусхо‘жа Фозилхо‘жа о‘ғ‘ли) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 278<sup>8</sup>-моддаси 3-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Ю.Тожибаевга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 278<sup>8</sup>-моддаси 3-қисми “а” банди билан ЖКнинг 57,57<sup>2</sup>-моддасини қўллаб, яшаш жойи ҳисобланган Хонқа тумани, “Бунёдкор” маҳалласи, П.Махмуд кўчаси, 44-уйни ишлаш ёки ўқиш вақтидан, шунингдек ишга ёки ўқиш жойигача

Ҳужжат имзоланган: Аҳмедов Жасурбек Сапорович, 05.11.2025



бориш ва уй-жойига қайтиб келиш учун зарур бўлган вақтдан ташқари вақтда уй-жойидан чиқишни чеклашдан иборат 1 (бир) йил 6 (олти) ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ю.Тожибаевнинг зиммасига ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг - маҳкумни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, Хоразм вилоят худудидан ташқарига чиқмаслик, алоқа воситаларидан, шу жумладан Интернетдан фойдаланмаслик каби қўшимча чекловлар юклатилсин.

Жазо муддати маҳкум Хонқа туман ИИБ Пробаця гуруҳида ҳисобга кўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазо ижросини назорат қилиш Хонқа туман ИИБ Пробаця гуруҳи инспекцияси зиммасига юклатилсин.

Ю.Тожибаевга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48<sup>1</sup>-моддаси 5-6-қисмлар талаблари тушунтирилсин.

Ю.Тожибаевга нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин ва Хоразм вилояти ИИБнинг “Ипотека банк” АТИБдаги депозит рақамига топширилган 9.000.000 сўм миқдоридаги пул маблағлари гаровга қўювчи Тожибаев Юнусхўжага қайтарилсин.

Жиноят иши бўйича ашёвий далил тариқасида Ю.Тожибаевдан олинган бир дона “Redmi 13 C” ва “Galaxi A345G” русумли телефон аппаратлари ҳукм қонуний кучга киргач тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида шу суд орқали Хоразм вилоят судининг апелляция инстанцияси судлов ҳайъатига, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг эса кассация инстанцияси судлов ҳайъатига шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидир.

**Жиноят ишлари бўйича**

**Гурлан туман судининг раиси**

/имзо/

**Ж.Ахмедов**

**Аслига тўғри:**

